ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Комил КАЛАНОВ
ТИФТ университети профессори

“Глобаллашув” атамаси, бугунги замонавий жамиятда энг кўп ишлатиладиган, мазмун-моҳияти жиҳатидан эса билим, кўникма, тажриба ва фикрлаш имконига эга бўлган кишиларнинг деярли барчасига таниш сўзга айланди. Унда ер юзидаги мавжуд жамиятларнинг иштироки эса, истаса-истамаса ўз-ўзидан мажбурий бўлиб қолди. Ер юзи бир қарашда улкан бир сайёрани англатса, иккинчи томондан у шу қадар кичик бўлиб бормоқдаки, унинг исталган чеккаси билан боғланиш учун саноқли дақиқа ва сониялар кифоя қилмоқда. Интернет ва бошқа виртуал алоқалар эса глобаллашув жараёнига ҳар қанча қарши бўлишга интилаётган кишиларни ҳам чорасиз аҳволга солиб қўяди. Аммо бизнинг мақсадимиз глобаллашувни инкор этиш, ёки ташвиқот-тарғибот қилишга қаратилмасдан, балки унинг ҳолатини илмий таҳлил қилишга қаратилган бўлиши керак. Жамият жаҳон глобаллашуви тармоғига сингиб кетиши керакми, ёки глобал шароитда ўзини намоён эта олишликми? Хуллас, глобализмда иштирок бир томондан манфаатлар, иккинчи томондан қизиқишлар билан боғлиқ бўлса, учинчи томон борки, у ҳам бўлса, қандай қилиб зликни сақлаб қолиш масаласи.

Халқаро Нобель мукофоти соҳиби Ж.Стиглиц ўзининг «Глобаллашув: ҳавотирли йўналишлар» китобида шундай ёзади: «у ёки бу халқнинг глобаллашув жараёнидан қандай неъматларни татиб кўриши асосан миллий ҳукуматнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Кўпчилик бозор иқтисодиёти жараёнида давлатнинг ролини оширишни етакчи ғоя деб ҳисоблайди. Улар бир нарсани ҳисобга олишни истамайдилар, «бозор муносабатлари қонуниятининг ўзи барча ижтимоий муаммолар ечимини ўз жойига қўяди. Давлатнинг зиммасида эса тенгсизлик, ишсизлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби муаммоларни ҳал этиш асосий бўлиб қолиши керак»».[1] Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони эса – кўпчилик экспертлар глобаллашувни кўпинча халқаро молиявий ва иқтисодий етакчи кучларнинг манфаатлари доирасига хизмат қилиши билан ифодаламоқдалар. Аввалги вақтларда мавжуд давлатларнинг чегаралари ҳукуматларнинг иқтисодий-сиёсий ҳолатларга йўналтирилган ҳуқуқий тартиб ва қоидалар асосида бир-бирларига уйғунлаштирилган бўлинса, ҳозирги вақтда унинг тақдири борган сари жаҳон иқтисодий жараёнларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Маълумки ҳозирги вақтда глобал иқтисодни жадал ривожлантириш тенденцияси кечмоқда ва ҳозирги иқтисод виртуал иқтисод деб ҳам номланмоқда. Ушбу жараённи шакллантиришнинг бош ижрочилари сифатида эса «катта саккизлик», (аслида «катта еттилик») давлатлари бошқармоқда. Чунки уларнинг назоратида жаҳон иқтисодини ҳал қиладиган халқаро институтлар мавжуд. Булар, Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ), Жаҳон Банки (ЖБ) ва Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ). Шу сабабли биз глобаллашувни фақатгина техно-иқтисодий ҳолат эмас, балки ижтимоий-сиёсий вазият деб ҳам баҳолашимиз керак бўлади. «Социологик тадқиқотлар» журналининг 2004 йил 3 сонидаги маълумотларга эътибор берадиган бўлсак «жаҳоннинг мазкур ривожланган давлатларидаги транс миллий (ТМК) ва мультмиллий корпорациялар (ММК) бутун халқаро савдонинг 70 % ва ишлаб чиқаришнинг 30 % ни бошқараётгани»[1]ни ўзи турли тенгсизликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлаётганлигини мисол сифатида келтириш имконини беради. Шу билан бирга трансмиллий корпорациялар давлат билан бир қаторда халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти бўлишга интилишни намоён қилмоқдалар.

Мавзудан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, миллий қадриятларнинг глобаллашув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти асосан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талаб ва

---

[1] Стиглиц Дж. Глобализация: тревожные тенденции. М.: 2004. – С. 11.
[1] Каранг: Социологические исследование // Журнал, № 3, 2004. – С. 5.

эҳтиёжларга қараб ўзгаради, аҳамиятини йўқотади ёки бошқа бир қадрият билан уйғунлашади. Эронлик адиб Али Аҳмад буни ўзининг «ғарбпарастлик» китобида «ишлаб чиқарувчи» ва «истеъмолчи» категориялари асосида таҳлил этади: «дунёда икки қутб бир-бирига қарши турибди – биринчиси машиналарни яратади, ишлаб чиқаради ва сотади; иккинчиси фойдаланади, истеъмол қилади, нари борса унинг ҳужжатларини ўрганади. Шу сабабли биринчиси «яратувчи», иккинчиси эса «истеъмолчи». Бугунги кунда Ғарб ишлаб чиқарувчи, Шарқ истеъмолчи экан, ҳар қанча ҳаракатлар бўлмасин миллий қадриятлар софлигини сақлаб қолиш қийин. Ҳозиргача бунга фақат Япония эришди холос».[2]

Кўпинча Япония, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг глобаллашув шароитида ўз миллий қадриятларини сақлаб қолганликлари тўғрисида мисоллар келтирилади. Лекин бари бир бу биз ўйлаганчалик эмас. Тўғри инкор этишнинг ҳожати йўқ ушбу давлатлар глобаллашув жараёнида фаол иштирок этаётганлигини бир қанча сабаблари мавжуд. Биринчидан, бу мамлакатлар бошқа давлатлар мустамлакаси ва таъсирига тушган вақтларида ҳам турли «маданий революциялардан» (алфавит ўзгартирилмаганлиги, кутубхоналарни йўқотиб юборилмаганлиги ва шу кабилар) сақланиб қолгани ёки унинг домига тортилмаганлиги. Иккинчидан, мустамлакачиликдан озод бўлганларидан сўнг, уларнинг иккинчи ва учинчи авлодларини замонавий жамиятда фаол иштирок этаётганлиги. Учинчидан, ривожланган давлатларнинг мустамлакаси бўлганлиги натижасида, кейинчалик улардаги сиёсий, иқтисодий, бошқарув муносабатларини ўз тажрибаларида қўллаши. Тўртинчидан, мен бу ҳолатни глобаллашувнинг энг асосий хусусиятларидан бири сифатида қарайман, яъни мазкур мамлакатларнинг ҳозирги кундаги ёш ва тажрибали интеллектуал фуқароларининг инглиз забон фаолият ва тармоқларда профессионал иштироки.

Дунёнинг глобаллашуви бугунги кунда ягона бир ҳудуд ёки қутб доирасида кечмаслиги ойдин бўлиб бормоқда. Бунинг сабаблари эса нафақат иқтисодий нотенглик, геосиёсий ҳолат асосида бўлмай, балки маданиятларнинг турфа хиллиги, бир неча этнос ва динларнинг мавжудлиги, кишилар менталитети ва психологиясининг бир-бирига ўхшамаслиги билан ифодаланмоқда. Яна бир америкалик тадқиқотчи С.Хантингтон глобаллашув жараёнида цивилизацияларнинг тўқнашуви вужудга келишини айтади. Унинг фикрича, «глобаллашувнинг дунёни турли минтақаларида вужудга келиши ва шаклланиши – бу Ғарбнинг, янада аниқроғ айтиладиган бўлинса христиан цивилизациясининг тарқатилиш (экспансия) излари бўлиб, айтиш мумкинки унинг қадрият ва институтлари ўзга маданият анъана ва тизимлари мавжуд бўлган шароитда тенглик асосида фаолият юритиши ҳақиқатдан йироқдир».[1] Россиялик мутахассис Ю.Яковец эса, «цивилизациялар ўртасидаги тўқнашув хавфининг ўсиб бориши инсониятнинг ўзини сақлаб қолиш йўлини топа олмай, фақатгина цивилизациялар ва давлатларнинг ҳамкорлик ва шериклик қилиш учун турли хил давра суҳбатларининг стратегия ва механизмини ишлаб чиқиш билан чегараланмоқда. Бу охир оқибатда одамзоднинг «ўз жонига қасд қилиши» билан баробардир».[2] Аммо глобаллашувнинг назариётчиларидан бири ҳисобланадиган Ф.Фукуяма эса қуйидаги фикрларни айтади: «... мен ишонаманки кишилик жамиятининг тарихий ривожланиб бориш муносабтлари демократик бошқарув шаклларига йўналтирилади, лекин мен ушбу жараённи тезлаштириш керак деб ҳисобламайман, айниқса ҳарбий куч ишлатиш ва бошқа давлатларнинг ички ишига аралашиш орқали».[3] Аммо Ф.Фукуяма ўз асарларида бутун дунёнинг эртами ёки кеч барибир Ғарб бошқарув моделини тарихий жараён сифатида ихтиёрий равишда қабул қилишларига ишонади.

---

[2] Қаранг: Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов. От культурного плюрализма к исламизации духовных ценночтей. М.: «Наука», 1990. – С.

[1] Свободная мысль - XXI. // Журнал, № 11, 2004. – С. 64-65.

[2] Яковец Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций. М.: «Экономика», 2003. – С. 3-4.

[3] Свободная мысль - XXI. // Журнал, № 11, 2004. – С. 64.

Табиийки бу каби фикр ва муносабатлар ижтимоий маданий норозиликларни келтириб чиқариши аниқ ҳол. Айниқса ер шарининг барча ҳудудларида кенг тарқалган ва ўз ўрнига эга бўлган йирик жаҳон динлари, ислом ва буддизм намоёндаларини, шунингдек христианликнинг ғарбий мамлакатлардан ўзига хос дунёқараши билан ажралиб турувчи халқ вакилларини бу ҳолат асло қониқтирмайди. Оқибатда глобаллашув ва интеграция жараёнларида иштирок этишнинг ўзига хос назарияларини илгари суриш бошланди. Булар а) диний мансублик асосида, масалан мусулмон дунёси мамлакатларининг глобаллащуви, буддизм-конфуцианчилик мамлакатлари интеграциялашуви; б) этник мансублик асосида, масалан, туркий забон давлатлар ва халқларнинг глобаллашуви ва интеграциялашуви, славян халқлари ва мамлакатлари интеграциялашуви, араб мамлакатлари глобаллашуви ва ҳ.з.; в) менталитети ва руҳияти бир-бирига яқин мамлакат ва халқларнинг глобаллашуви ёки интеграциялашуви, масалан Европа Иттифоқи интеграцияси, Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари интеграцияси, Лотин Америкаси халқлари интеграцияси, Марказий Осиё халқлари интеграцияси ва шу кабилар. Шу ўринда сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан кўтарилаётган "Катта Марказий Осиё интеграцияси" (Эрон, Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Монголия ва Россия ҳамда Хитойнинг ушбу давлатлар билан чегарадош ҳудудларида иқтисодий зоналар ташкил этиш таклифи), шунингдек, иккинчи бир тоифа тадқиқотчилар илгари сураётган "Катта Ўрта Осиё" (Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Монголия ва Марказий Россия ҳудудлари) интеграцияси ғоялари замонавий глобаллашувнинг ўзгарувчан истиқболлари тўғрисида илмий прогнозларни илгари сура бошлади.

Яқин муносабатлар асосида кечаётган глобаллашув ва интеграция жараёнларини келиб чиқишига туртки бераётган айрим фикр ва назариялар негизида бутун дунё ижтимоий-сиёсий ҳолатинини бир томондан туриб бошқаришга бўлаётган уринишлардир. Масалан, таниқли сиёсатшунос З.Бзежинский фикрига кўра глобаллашув ва миллий давлатлар ўртасидаги қизиқишлар фақатгина АҚШнинг кўмагида амалга оширилиши керак. З.Бзежинский ёзади: «Американинг қудратли давлат эканлиги у ҳақми ёки нохақ бўлишидан қатъий назар, унга ҳар қандай мавжуд қарама-қаршиликларни ҳал қилиш ҳуқуқини беради».[1] Бу каби ғояларнинг илгари сурилишини ўзи миллий давлатлар ўртасида қайсидир бир даражада ташвишлар уйғотиши табиий. Чунки дунё бир қутбли бўлиши керакми ёки кўп қутбли. Агар у бир қутбли бўладиган бўлса, миллий маданиятларнинг ҳолати қай даражада кечади?

Глобаллашув назарияси асосчилари бунга ҳам жавоб топадилар. Хусусан тадқиқотчи М.Кастельс бу хусусда қуйидаги фикрларни илгари суради: «Глобаллашувда давлатлар йўқ бўлиб кетмайди. Ахборотлар асрида улар фақат ўз мақомини ўзгартириши мумкин холос».[2] Шунингдек, М.Кастельс глобал дунёни маълум бир модел асосида шакллантириш мумкин эмаслигини асослашга ҳаракат қилади. Бу хусусда у шундай ёзади: «... мен постиндустриализм назарияси намоёндаларининг дунё АҚШ ва Ғарбий Европага ўхшаган бўлиши керак деб айтган этноцентристик қарашларига танқидий кўз билан қарайман».[1] Бироқ глобаллашувнинг аксарият муаллифлари постиндустриализм назариётчилари билан тўлиқ ҳамфикр бўлиб қолмоқдалар.

XX асрнинг 60 йилларида бир гуруҳ жамиятшунослар жамиятда технотузилмавий жараён бошланди, - деган ғояларни илгари сурадилар. Технотузилмавийлик вакиллари – булар замонавий саноат ва режалаштиришда ўта катта эҳтиёж билан қабул қилинадиган турли хил техник билим, тажриба ва қобилиятга эга бўлган кишилар уюшмасидир. Социолог тадқиқотчи Ж.К.Гелбрейтнинг фикрига кўра, «деярли қарорлар қабул қилишдаги барча жараёнлар алоҳида имтиёзларга эга бўлган технотузилмавийлик ҳисобига амалга

[1] Бзежинский З. Выбор: мировое господство и глобальное лидерство. М.: «Международное отношение», 2004. – С 175-176.
[2] Кастельс М. Информационная эпоха. М.: 2000. – С. 511.
[1] Кастельс М. Информационная эпоха. М.: 2000. – С. 22.

ошириладиган бўлинди».[2] У фикрини давом эттириб ёзади, «давлат технотузилмавийликнинг ижроия қўмитаси бўлиб қолди холос».[3] Бироқ бу дегани давлат ўз мавқесини йўқотиб бормоқда дегани эмас. Фақат энди давлат ўз бошқарув вазифасини тубдан ўзгартириши керак бўлиб қолди. Бугунги кунда айтиш мумкинки кўплаб анъанавий жамиятлардаги асосий муаммо ҳам ана шунда. Яъни давлат тузилмаси ҳамон анъанавий бошқарув стереотипларидан қутула олмаяпти ёки бу ҳолатдан воз кечиш унинг учун қийин кечмоқда. Шу сабабли ҳам глобаллашув жараёнида миллий қадриятларнинг трансформацияси (бир шаклдан бошқасига ўтиши) айнан шу жойда келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунки айнан постиндустриал жамият «қаҳрамонлари» бўлган интеллектуал салоҳият вакиллари ягона глобаллашувдаги қадриятлар тизимини яратиб бормоқдалар. Футуролог-социолог Д.Белл ўзининг «Яқинлашиб келаётган постиндустриал жамият» китобида ёзади: «постиндустриал жамиятда ҳокимият энди хусусий мулкга эмас, балки билимга таянади. Етакчи синф сифатида саҳнага олимлар, инженерлар ва техника мутаҳассислари чиқадилар; етакчи ўринларни интеллектуал ташкилотлар (университетлар, тадқиқот институтлари, саноат лабораториялари) эгаллайдилар. Иқтисодиёт биринчи навбатда моддий маҳсулотларга эмас, хизмат кўрсатишга асосланади. Сиёсий қарорлар фақат рационал-техник фикрларга асосланади, бу эса «мафкуранинг тамом бўлганлигини» билдиради. Кишилар ижтимоий қадриятлар муносабатларида умумий консенсусга (мунозарали савол ва низоларни келишув асосида ҳал этиш) эришадилар, мутаҳассислар рационал услубларга таяниб, тизимли таҳлил ва қарорлар қилишга мослашадилар. Қисқача қилиб айтганда бизни профессионал бошқарувчи ва технократлар даври кутмоқда».[1] Бугун ҳеч кимга сир эмас, ривожланган мамлакатларда постиндустриал жамият даври ҳукм сурмоқда. Шу сабабли ҳам бутун дунё бўйлаб истеъдодли ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган тадқиқотчи ва мутаҳассиларни бу жамиятлар тобора ўзларига жалб қилиб бормоқдалар. Бу эса уларнинг илмий ва ижодий фаоллиги асосида миллий қадриятларнинг траняформациялашувини янада тезлаштирмоқда. Ўзи аслида ахборотлар асрининг етакчи иштирокчилари ҳам аслида интеллектуал қатлам кишиларидир.

Фикр ва мулоҳазаларимизни якунлар эканмиз, Ўзбекистон глобаллашув жараёнида қандай қатнашиши керак деган саволга ўз мулоҳазаларимизни бериб ўтишни лозим деб топдик. Бунда:

- Ёш авлодни ўзбек тилини соф билган ҳолда, инглиз тилини профессионал мукаммал даражада билишига эришиш. Айнан шундагина миллий қадриятларни нафақат сақлаш, балки уни дунё миқёсида қайсидир даражада экспорт қилиш имкониятига эга бўлинади. Агар эътибор берадиган бўлсак, бугун Ўзбекистон телеканалларида берилаётган корейс, япон ва ҳатто хитой фильм ҳамда сериалларининг аксарияти инглиз тилидан таржима қилинмоқда;
- Глобаллашувда асосий етакчи ва ҳимоячи куч интеллектуал салоҳият эканлиги замонавий фанда ўз исботини топди. Шу сабабли жамиятда жисмоний ва ташкилотчиликни тарғиб қилаётган меҳнаткашлик қаторига ижодий-интеллектуал меҳнатни севиш, қадрлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган ғояларни илгари суриш;
- Глобаллашув табиий жараён экан, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий имкониятларини белгилаб берадиган интеллектуал салоҳиятли кишилар ва техник мутаҳассисларга кенг имкониятлар яратиб бериш, уларнинг шарт-шароитларини яхшилаш ва айниқса интеллектуал миграция жараёнларида иштирок этиш кайфиятини ҳаддан ташқари кучайиб бориш кайфиятини тартибга олиш чораларини излаб топиш. Негаки глобаллашувда асосан шу қатламдаги кишилар миллий қадриятларни ҳимоя қилиш имкониятига эгалар.
- Миллий таълим тизимини бугунги кунда кўп кузатилаётган "ҳарфлар қаерга кетди" деб номланувчи "кўркитиш ва босим"га асосланган бюрократиядан бутунлай халос этиш ва илмий тафаккурни тарғиб этувчи сокин идеал бюрократия орқали тартибга солиш.

---

[2] Гелбрейт Дж.К. Новое индустриальное общество. М.: 1969. – С. 124.
[3] Гелбрейт Дж.К. Экономические теории и цели общества. - М.: 1976. – С. 223.
[1] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. - М.: 1999. – С. 119.

- Кенг жамоатчилик фикрига қулоқ тутиш, ижтимоий фикрни ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, доимий социологик тадқиқотлар ўтказиш ва унинг илмий натижалари асосида истиқбол прогнозларни илгари суриш мамлакатнинг глобаллашган дунёдаги фаол иштирокини таъминлаб беради.